

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Таджибаев Шерзод Таирович
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби
Tsht5255@gmail.com

Аннотация. Тижорат банкларининг кредитлари миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Хусусан, тижорат банкларининг ўрта ва узоқ муддатли кредитлари ҳисобидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг инвестицион харажатлари молиялаштирилади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлари ҳажмини ошириш уларнинг кредитлаш амалиётини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мақолада республика тижорат банкларининг кредитлаш амалиёти таҳлил қилинган ва уни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит, кредитлаш амалиёти, кредитлаш шакллари, фоиз ставкаси.

Abstract. Commercial bank loans are a key factor in the development of the national economy. Specifically, medium- and long-term loans from commercial banks finance the investment expenditures of enterprises in the real sector of the economy. In turn, the increase in the volume of commercial bank loans necessitates the improvement of their lending practices.

The article analyzes the lending practices of the republic's commercial banks and develops scientifically grounded proposals for their improvement.

Key words: commercial bank, loan, lending practice, forms of lending, interest rate.

Кириш

Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг замонавий босқичида кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги ПФ-109-сонли “Факторинг хизматлари бозорини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида кредитлашнинг истиқболли шакли бўлган факторинг амалиётининг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган [2].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Н.Валенцева томонидан амалга оширилган тадқиқот натижаси кўрсатдики, кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш

имконияти банк маҳсулотлари таннархини пасайиши билан белгиланади. Бунда, фоизли спрэд микдорининг умумий қуёи чегараси бўлиб, етарли даражадаги фоизли маржа ҳисобланади. Банкларда чиқимларни пасайтиришнинг муҳим шарти – бу банк амалиётига банк маҳсулотлари таннархининг мониторингини жорий қилишдир [3].

Ҳақиқатдан ҳам, фоизли маржа ҳисобидан кредитларнинг фоиз ставкасини пасайтириш тижорат банкининг соф фоизли даромадлари микдорини камайишига олиб келади. Аммо, кредит маҳсулотлари таннархини сезиларли даражада пасайтириш имконини беради.

Е.Литвиновнинг фикрига кўра, тижорат банклари томонидан чакана кредитлар бўйича фоиз тўловларини ундиришнинг аннуитет усулини қўлланилиши жисмоний шахсларнинг кредит бўйича тўлов юқини ошишига олиб келади. Шу сабабли, кредит олувчи жисмоний шахсларга кредит бўйича тўлов усулларини (табақалашган ёки аннуитет) танлаш имконини берилиши фоиз ставкаларининг рағбатлантирувчанлик мазмунини кучайтириш имконини беради [4].

А.Миан ва А.Сафи томонидан ўтказилган тадқиқотлар кўрсатдики, уй хўжаликларининг ўз рискларини назорат қилиш имкониятлари фирмаларникига қараганда сезиларли даражада чеклангандир. Бу эса, уй хўжаликларига берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади [6].

Дандо ва Скодберг томонидан етти минг компания бўйича танлов асосида ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатдики, рейтинглар ўртасидаги ўтиш матрицаларини (миграция матрицалари) ва улар асосида экстраполяцияларни баҳолаш юқори рейтингли кредит портфеллари учун, шу жумладан, паст дефолтли кредит портфеллари учун дефолт мақомига ўтишни аниқ баҳолаш имконини беради [7].

Д.Тасченинг хулосасига кўра, агар активларнинг кичик корреляцияси (18%) шароитида дефолт эҳтимолини баҳолаш учун ишончли интервалнинг юқори чегараларини танлашнинг стандарт методидан фойдаланилса, у ҳолда, оптимал коррективировка 50-75% аҳамиятлилиқ даражасига мувофиқ келади, катта корреляция ($R=24\%$) шароитида – 75-90% аҳамиятлилиқ даражасига мос келади [8]. Бу эса, LDPни амалий моделлаштириш учун муҳим хулоса ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, агар LDP чакана маҳсулот бўлса (уларда корреляция одатда кичик бўлади), унда аҳамиятлилиқнинг консерватив даражаси 75 % бўлади. Агар LDP чакана сегмент маҳсулоти бўлмаса, унда аҳамиятлилиқнинг консерватив даражаси 90 % бўлиши керак.

М.Бауетдинов томонидан амалга оширилган илмий тадқиқот натижалари кўрсатдики, кредитлар ва фоизлар банкларга қайтарилмасдан муддати бир неча бор узайтириб келинмоқда. Бу узайтиришлар фақат ички узайтиришлар бўлиб, ташқи кредиторлар билан фақат 4 та корхона, яъни «Фарғона фуран бирикмалари заводи», «Каолин», «Ўзсмаатана сантехника» ва «Хобас Тапо» кўшма корхоналарининггина 30 млн. АҚШ доллари микдоридаги кредитларининг муддати узайтирилган холос; ҳукумат томонидан кафолатланган кредитлар

бўйича муддати ўтган кредитлар йил бошидан йил охирига томон у ошиб боради, янги йилда эса «янги узайтиришлар» ҳисобидан у камаяди, муддати узайтирилган кредитлар эса яна кўпаяди. Бу «анъана» банк учун хавфли эканлигини айтиб ўтиш жоиздир; хорижий кредит линиялари ҳисобидан кредит олган «Ўзсматана сантехника» (16 млн. АҚШ доллари), «Хобас Тапо» (51868 минг АҚШ доллари), «Каолин» (27401 минг АҚШ доллари), «Ўзэксайд» (53627 минг АҚШ доллари), «Янтак Брит» (2090 минг АҚШ доллари), кўшма корхоналари «Болалар таомлари» Холдинг компанияси (58898 минг АҚШ доллари), «Аснам текстил» кўшма корхонаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Техник иқтисодий асосларда кўрсатилган муддатларда ишга туширилмаганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини экспорт қилиниши белгиланган корхоналар («Оҳангаронстройпласт», Енгил саноат Уюшмаси тизимидаги кўшма корхоналар «Каолин» кўшма корхонаси) ўз маҳсулотларини экспорт қила олмаганлиги натижасида хорижий кредиторларга банк ўз маблағлари ҳисобидан кредит ва унинг фоизларини тўлаб берган; инвестицион лойиҳаларнинг ўзини оқамаслиги банкларнинг узоқ муддатли кредитларини ўз вақтида қайтмаслигининг асосий сабабларидан биридир [9].

Таҳлил ва натижалар

“2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”да республика тижорат банкларининг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги вазифалар қўйилган: «молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшила, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш» [10].

1-жадвал

АТ Асакабанкда кредитлардан олинган фоизли даромадлар миқдори ва даражаси¹⁵

Кўрсаткичлар	2020	2021	2022	2023	2024
Кредитлардан олинган фоизли даромадлар миқдори (млрд сўм)	2136,8	2398,8	2824,2	3728,1	4324,0
Кредитлардан олинган фоизли даромадларни жами фоизли даромадлардаги улуши, %	62,7	61,1	87,1	63,6	61,0

1-жадвал маълумотларидан кўринадик:

*Асакабанкнинг кредитлардан олинган фоизли даромадларининг миқдори 2020-2024 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган;

¹⁵ Жадвал муаллиф томонидан АТ “Асакабанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

*Асакабанкда кредитлардан олинган фоизли даромадларни жами фоизли даромадлардаги улуши 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткич 2024 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, банкнинг кредит операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкалари¹⁶, фоизда

Кўрсаткичлар	Йиллар				
	2020	2021	2022	2023	2024
Миллий валютадаги қисқа муддатли (1 йилгача) кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	23,6	22,1	21,3	22,2	23,1
Миллий валютадаги узоқ муддатли (1 йилдан ортиқ) кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	23,8	22,5	20,6	21,7	22,4
Хорижий валютадаги қисқа муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	8,1	6,7	7,0	6,7	8,8
Хорижий валютадаги узоқ муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	6,9	7,0	6,5	6,6	8,4

2-жадвал маълумотларидан кўринадик:

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган қисқа муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2022-2024 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда тижорат банкларининг 1 йилгача муддатдаги миллий валютадаги депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкасини ошиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

- республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган узоқ муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2022-2024 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда 1 йилдан ортиқ муддатдаги миллий валютадаги депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкасини ошиш тенденциясига эга бўлганлиги ва инфляция даражасини нисбатан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

- мамлакат тижорат банклари томонидан хорижий валютада берилган қисқа муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2024 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларсиз даражада (0,1 ф.п.) ошган.

Таҳлиллар кўрсатдики:

¹⁶ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари асосида тузилган.

-Асакабанкда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларнинг брутто активларга нисбатан даражаси 2022-2024 йилларда эса, пасайиш тенденциясига эга бўлган;

-Ўзмилийбанкда кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши яратилган захираларнинг брутто активларга нисбатан даражаси 2019-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2024 йилда 2018 йилга нисбатан юқори суръатда ошган.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

- кредитлар бўйича фоиз ставкасини фоизли маржа ҳисобидан пасайтириш имконияти банк маҳсулотлари таннаҳини пасайиши билан белгиланади. Бунда, фоизли спрэд микдорининг умумий қуйи чегараси бўлиб, етарли даражадаги фоизли маржа ҳисобланади;

- уй хўжаликларининг ўз рискларини назорат қилиш имкониятлари фирмаларникига қараганда сезиларли даражада чеклангандир. Бу эса, уй хўжаликларига берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади;

- “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”да республика тижорат банкларининг даромад базасини мустаҳкамлаш бўйича молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшила, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш каби муҳим вазифалар қўйилган;

-Асакабанкнинг кредитлардан олинган фоизли даромадларининг микдори 2020-2024 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган;

-Асакабанкда кредитлардан олинган фоизли даромадларни жами фоизли даромадлардаги улуши 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткич 2024 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган;

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган қисқа муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2022-2024 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда тижорат банкларининг 1 йилгача муддатдаги миллий валютадаги депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкасини ошиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

- республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган узоқ муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2022-2024 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, мазкур даврда 1 йилдан ортиқ муддатдаги миллий валютадаги депозитларининг ўртача йиллик фоиз ставкасини ошиш тенденциясига эга бўлганлиги ва инфляция даражасини нисбатан юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

- мамлакат тижорат банклари томонидан хорижий валютада берилган қисқа муддатли кредитларнинг ўртача йиллик фойиз ставкаси 2024 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларсиз даражада (0,1 ф.п.) ошган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш учун, биринчидан, кредитлаш шаклларида (тўлақонли фойдаланишни йўлга қўйиш керак (ҳозирги даврда кредитлашнинг контокоррент, форфейтинг шакллари мавжуд эмас); иккинчидан, таснифланган кредитларнинг таркибини яхшилаш йўли билан кредитлардан қўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан меъёрий даражасини (1,0%) таъминлаш зарур; учинчидан, ликвидлилик rischi ва кредит riskини бошқариш амалиётини такомиллаштириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 августдаги ПФ-109-сонли Фармони. Факторинг хизматлари бозорини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 14.08.2024 й., 06/24/109/0613-сон.

3. Валенцева Н.И. Ценообразование на рынке банковских услуг//Банковское дело. – Москва, 2013. – №11. – С. 39.

4. Литвинов Е.О. Кредитное бремя населения России: вопросы теории и методологии. Монография. – Волгоград, 2012. – С. 14.

5. Mian A., Rao K., Sufi A. Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics. – 2013. – 128(4). – pp. 1687 - 1726.

6. Lando D., Skodeberg T. Analyzing Rating Transitions and Rating Drift with Continuous Observations // Journal of Banking and Finance. – 2002. – Vol. 26 (2–3). – pp. 423–444.

7. Wei L., Yuan Z. The Loss Given Default of a Low-Default Portfolio with Weak Contagion//Insurance: Mathematics and Economics. – 2016. – Vol. 66. – pp. 113 -123.

8. Tasche D. Bayesian Estimation of Probabilities of Default for Low Default Portfolios//Journal of Risk Management in Financial Institutions. – 2013. – Vol. 6(3). – pp. 302–326.

9. Бауетдинов М.Ж. Хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. дисс. – Тошкент, 2019. – 114 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг

банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги
фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.